Ушбу сонда:
2 ВАТАН МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!
3 ТАЪЗИМ
4 ҲАЙРАТ ёхуд мусаввир қалбининг рангин олами

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 1 октябр, сешанба №156 (1373)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 сентябр куни Оқсаройда «Даймлер Крайслер АГ» концерни бошқаруви аъзоси, Шарқий Европа, Болтиқбўйи, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича Германия иқтисодиёти қўмитаси раҳбари Клаус Юрген Мангольдни қабул қилди.

«Даймлер Крайслер» автомобилсозлик, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳасида жаҳондаги энг илғор концернлардан ҳисобланади. У Германиянинг «Daimler-Benz AG» ва АҚШнинг «Chrysler» компаниялари бирлашувидан вужудга келган.

Ўтган йили корхонада тайёрланган йўловчи ташувчи 3,9 миллион дона ҳамда 492,9 минг шахсий фойдаланишга мўлжалланган автомобил савдога чиқарилди. Бу маҳсулотлар дунёнинг деярли барча давлатларида сотилади. Концерн таркибига 41 ишлаб чиқариш, молия, илмий, савдо ва хизмат кўрсатиш муассасаси киради. Ҳозирги кунда «Даймлер Крайслер»да 372 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Табиийки, бундай йирик корхона Германия иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин тутади.

Сўнгги вақтларда концерннинг автомобилсозлик учун янги технологиялар ва техникавий жиҳозлар етказиб бериш, хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга, мамлакатимиздаги йирик лойиҳаларда қатнашишга қизиқиши ортмоқда. Шунингдек, Германиянинг йирик сармоядорлари, фирма ва компаниялари қаторида «Даймлер Крайслер» ҳам мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш ниятини яширмайди.

- Ўзбекистон билан Германия ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик самарали кечаётгани ва барқарор ривожланаётгани бизни қувонтиради, - деди учрашувда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов.-Жорий йилда Германия федерал канцлери Герҳард Шрёдернинг юртимизга ташрифи чоғида ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланган эди. Келгусида, айниқса, иқтисодий соҳада ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унинг янги-янги йўналишларини очиш учун имконият етарли.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан мазкур компания ўртасида истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳалар, иқтисодий дастурлар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

ТАЛАБАЛАР ПОЛИКЛИНИКАСИ

Фарғона шаҳрида замонавий меъморчилик андозалари асосида қурилган янги тиббиёт коллежи фаолият кўрсата бошлади.

Вилоятдаги бошқа тиббиёт коллежлари асосан назарий билим бериш билан чекланади. Амалиёт машқлари эса фақат таътил пайтлари махсус дастур асосида ўргатилади. Янги коллежнинг афзаллиги шундаки, олинган назарий билим шу ернинг ўзида, коллеж қошида ташкил этилган беморларга дастлабки тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган поликлиникада амалиётга татбиқ этилади. Бу эса талаба ёшларга янги касб сирларини тез ва пухта ўрганиш, ўқиш давридаёқ бой амалий тажриба тўплаш имконини беради.

Мазкур ўқув муассасаси биноси қурилишида «Фарғона қурилиш» бошқармаси қурувчилари салкам 800 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Ўқув мажмуасига 700 миллион сўмликдан ортиқ ўқув ва тиббиёт жиҳозлари ўрнатилди. Янги коллежда ҳар йили вилоятдаги 750 нафар йигит ва қиз ҳамширалик иши, акушерлик, фармацевтика, лаборатория ва диагностика, шунингдек, Фарғона водийсида ягона бўлган тиббий асбобларни таъмирлаш йўналишлари бўйича таҳсил олади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Маърифатпарвар халқимиз келажак бунёдкори, деб эъзозлайдиган, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган сиз, муҳтарам устозларни умумхалқ байрами - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бу қутлуғ кунни биз доимо зўр ҳаяжон билан, ҳар биримизга сабоқ берган, ҳаёт илмини ўргатган фидойи муаллим ва мураббийларимизга чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғулари билан нишонлаймиз.

Бунинг боиси шундаки, эл-юртимиз сизларнинг тимсолингизда ёшларимизга нафақат таълим берадиган, балки уларнинг қалбига она Ватан меҳрини, юксак фазилатларни сингдирадиган, бутун ҳаётини жондан азиз фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашга бағишлаган жонкуяр ва олижаноб зотларни кўради.

Шу маънода, бутун Ўзбекистон болаларига ўз ота-онасидек яқин ва меҳрибон бўлган сиз, муҳтарам мураббийларга, юзлаб, минглаб заҳматкаш ўқитувчиларимизга Ватан ўз келажагини ишониб топширган, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Қадрли устозлар!

Дунёда ҳар бир инсон, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг бахту иқболини кўришни орзу қилиб яшайди. Мен учун ҳам юртимизнинг ёруғ истиқболини, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг камолини кўриш фаолиятим, бутун ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк орзу, буюк мақсаддир.

Ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида, бутун дунёда тан олинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда мен сизларни ўзимнинг энг яқин маслакдошим, сафдошим ва ёрдамчиларим деб биламан.

Ўз навбатида шуни ҳам айтмоқчиманки, бугунги мураккаб замонда ўқитувчи ва мураббийларимиз олдида турган ўта долзарб вазифаларни ҳал этиш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб беришда давлатимиз керакли ёрдамни аямайди, таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни давом эттириш, бу борада янада салмоқли натижаларга эришиш учун ҳамма имкониятларни ишга солади.

Сизларга ўзимнинг чуқур ҳурматимни изҳор этар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хайрли ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстларим!

Сиз, азиз Андижон деҳқонларини, бутун вилоят аҳлини фидойи меҳнатингиз натижасида эришган катта ғалабангиз - 310 минг тонна пахта топшириб, ўз зиммангизга олган мажбуриятингизни бажарганингиз билан табриклаш мен учун катта қувонч ва ғурур бағишлайди.

Бу йил мамлакатимиз учун пахтачилик соҳасида иқлим шароити ноқулай келгани, кўкламги ёғингарчиликлар туфайли деҳқонларимиз чигитни қайта-қайта экишга мажбур бўлгани, бундай мураккаб вазият кўплаб муаммо ва синовлар туғдирганини барчамиз яхши англамоқдамиз ва унинг таъсирини ҳис қилиб турибмиз.

Шуни айтиш керакки, пахтакорларимизнинг меҳнатини бошқа соҳа кишилари меҳнати билан қиёслаш қийин. Ерга уруғ қадашдан тортиб, ғўзани парвариш қилиш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишнинг ўзи қаҳрамонона меҳнатни талаб этади.

Агар қишлоқ хўжалиги учун оғир келган шароитни инобатга оладиган бўлсак, бу йил деҳқонлар учун ҳар қачонгидан ҳам машаққатли бўлганини эътироф этиш лозим.

Мана шундай шароитда, табиат инжиқликларига қарамай, Андижон вилояти меҳнаткашларининг бу йил ҳам мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта топшириш шартнома режасини бажаргани энг юксак баҳо ва таҳсинга муносибдир. Бундай натижаларга эришган сиз, азизларни қанча эъзозласак, қанча қадрласак, арзийди, албатта.

Бундай марраларга эришиш, аввалам-бор, вилоятда кейинги йиллар давомида нафақат пахтачилик, балки ғаллачилик ва бошқа соҳаларда ҳам шаклланиб келаётган, қишлоқ хўжалигида юксак замонавий агротехникани қўллаш, деҳқончилик маданиятини ошириш, ишни ташкил этишдаги омилкорлик ва фидойиликни ўзида мужассам этган, ўзгалар учун намуна бўлишга арзийдиган Андижон деҳқончилик мактабининг самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен сизлар қўлга киритган бу ютуқларни аҳдида қатъий, лафзи ҳалол ва меҳнаткаш Андижон халқининг Ватанимиз равнақига қўшаётган муносиб ҳиссаси, деб баҳолайман.

Ўз олдига доимо катта мақсадлар қўйиб, янги марралар сари интилиб яшайдиган сиз, азамат пахтакорларнинг яна 60 минг тонна қимматли хомашё топшириб, ялпи ҳосилдорликни 37,5 центнердан оширишга азму қарор қилганингиз ҳақиқий мардлик ва шижоатнинг ёрқин намунасидир.

Мен бугунги катта меҳнат ғалабасига салмоқли улуш қўшган деҳқон ва фермерларни, теримчи ва механизаторларни, қишлоқ хўжалиги ходимларини, бутун вилоят аҳлини бағримга босиб, яна бир бор қутлайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик ва файзу барака тилайман.

Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, бахт ва омад сизларга ҳамиша ёр бўлсин, азиз андижонлик қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

XIY ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

30 сентябр, Пусан. ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади.

Қитъамизнинг энг нуфузли спорт байрамида ўнинчи бор иштирок этаётган 214 кишилик Ўзбекистон спорт делегацияси Пусандаги Олимпия шаҳарчасидан жой олди. Ҳамюртларимиз баҳсларда спортнинг 24 тури бўйича қатнашади. Таъкидлаш жоизки, ўзбекистонлик баскетболчи қизлар, бадиий гимнастика, каратэ ва стол тенниси усталари Осиё ўйинларида илк бор мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилади. Шу боис делегациямиз таркиби бу гал анча кенгайган.

1994 йил Хиросимада бўлиб ўтган беллашувларда Ўзбекистондан 121 нафар спортчи иштирок этган бўлса, Бангкокда (1998 йил) 178 спортчимиз рақиблар билан куч синашди. Бу мусобақаларда юртимиз вакиллари муваффақиятли қатнашганини айтиб ўтмоқ керак. Улар Япониядан 10 олтин, 11 кумуш ва 21 бронза медали билан қайтган бўлса, тўрт йил кейинги баҳсларда қўлга киритилган медаллар шодаси ҳам ундан кам бўлгани йўқ.

Бугун Пусанга қитъамизнинг 43 мамлакатидан 18 минг спортчи келган. Улар 420 медал учун баҳсга киришди. Спорт шарҳловчиларининг фикрича, ўзбекистонлик боксчилар, теннис усталари, дзюдочилар, эркин ва юнон-рум кураши полвонлари ўз соҳалари бўйича ғолибликка асосий даъвогар ҳисобланади.

Кеча Пусандаги Марказий стадионда XIY Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Жамоалар бирин-кетин яшил майдонга чиқиб келди. Ўзбекистон делегациясининг олдинги сафидан одатдагидек чарм қўлқоп усталари жой олди.

(Давоми 4-бетда)

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Мамлакатимизда яна бир кутлуғ байрам - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Тошкентдаги Ўзбек Миллий академик драма театрида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

«Устозга таъзим» деб номланган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздан илғор ўқитувчилар, фахрий устозлар, тажрибали мураббийлар, таълим соҳасининг жонкуярлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ қилинаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонунни амалга оширишда, маънавий етук, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялашда ўқитувчи, мураббийларнинг ҳиссаси беқиёсдир.

Устозларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар натижаси ўлароқ, юртимизда уларнинг жамиятдаги мавқеи тобора юксалмоқда. Мазкур айём арафасида Президентимиз Фармонига биноан кўплаб таълим фидойилари давлатимизнинг олий мукофотлари билан тақдирланиши яхши анъанага айланиб қолган. Бу эса юртимизда ёшлар таълим-тарбиясига берилаётган эътиборнинг нақадар улканлигидан далолатдир. Халқимизнинг, устоз отангдан улуғ, деган нақли истиқлол йилларида том маънода ўз тасдиғини топаётир.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Жиззах Давлат педагогика институти иқтидорли болалар лицейи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров ва бошқалар истиқлол йилларида юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш жамият ҳаётининг устувор вазифасига айланганини таъкидлади. Зотан, мамлакатимизнинг бугуни ва буюк келажагини жисмонан соғлом, маънавий баркамол, Ватанга садоқатли ёшлар белгилайди.

Тадбир санъаткорларнинг катта концерти билан ниҳоясига етди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Қарияларни қадрлаш йили ҳамда 1 октябр - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан «Уч авлод учрашуви» ўтказилди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

- Нафақат талаба ва ўқитувчиларимиз, балки институтимиздаги кекса авлод вакилларини ҳам доимий равишда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келяпмиз, - дейди институтнинг биринчи проректори Абдусаттор Абдуғаффоров. - Бундай саъйи-ҳаракатларимиз, маълум маънода, таълим ва тарбия жараёнларида узвийлик қарор топишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жорий йилнинг шу вақтигача кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 20 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди. Талабаларимиз мунтазам равишда кекса, ногирон педагогларимиз холидан хабар олиб туришибди.

Учрашув сўнгида институт фахрийларига эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод қалби ва онгида замонавий дунёқараш асосларини, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшгани ҳамда кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси"

Авазова Шукурзя Авазовна — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 5-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Алимова Хабиба Турсуновна — Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ачилов Рузимурат — Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 10-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Бобоев Бобо Убайдуллаевич — Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Вальяно Елена Дмитриевна — Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 5-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Махмудова Олия Тешаевна — Бухоро вилояти Жондор туманидаги 3-мактабнинг математика ва чизмачилик ўқитувчиси

Ражабов Даврон — Навоий вилояти Навоий туманидаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

Раймов Худойназар Сидиқович — Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 13-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Саитмуродов Жолмурод — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 12- мактабнинг биология ўқитувчиси

Саттаров Хамза — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 27-мактабнинг география ўқитувчиси

Узақов Абдималик Ибраймович — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги 2-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Холматов Аҳмаджон Алиматович — Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги лицей-интернатнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси

Юлчиев Кўчқар — Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 10-мактабнинг биология ўқитувчиси

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими"

Абдуллаев Нигмат Убайдуллаевич — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори

Абдуллаева Ўғилхон — Наманган вилояти Наманган туманидаги 13-мактабнинг директори

Арбобов Ҳалим Ҳакимович — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 21-мактабнинг физика ўқитувчиси

Джураева Зулхумор Хайдаровна — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 9-мактабгача таълим муассасаси мудираси

Муйдинова Мукарам Тўраевна — Тошкент ша-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 1-бетда).

ҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти "Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари" кафедраси мудираси

Мухторов Уроқ Шодиевич — Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 8-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Разиков Хабибулло Ашурович — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг ўқитувчиси

Расулов Норали — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими мудири муовини

Турдиев Нарзикул Шеранович — Республика таълим маркази директорининг ўринбосари

Халмедова Миневер Оразбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳридаги 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хотамов Изатулла Унгалович — Жиззах вилояти Зафаробод туман халқ таълими бўлими мудири

Худойбердиев Рустамжон Одилович — Фарғона вилояти Ўзбекистон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси

Якубов Шамурат — Қашқадарё вилояти Косон туман халқ таълими бўлими методисти

Якубов Рўзикул — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ҳамроев Мухиддин — Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 14-мактаб-интернат директори

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

Абдуллаев Эркин — Навоий вилояти Нурота туманидаги 6-мактабнинг тоштарошлик бўйича тўгарак раҳбари

Акбаров Азат Юлдашевич — Р.Глиэр номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактаб-интернати ўқитувчиси

Алимов Талибджан Кличович — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори

Алмамедова Рохила Иноятовна — Самарқанд вилояти Темирйўл туманидаги 49-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Атажанов Азимбой — Хоразм вилояти Шовот тумани халқ таълими бўлимининг жисмоний тарбия фани методисти

Волгин Игорь Борисович — Андижон вилояти Асака шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар техник ижодиёт маркази тўгарак раҳбари

Дарханов Абдували — Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 30-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Кунгиротов Алламурот — Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 10-ихтисослашган мактаб-интернат директори

Маматов Мамаюсуф Исакулович — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 17-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Пак Маргарита Афанасьевна — Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 195-мактаб-гимназия директори

Пўлатов Шукур — Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Сидиков Сабир — Фарғона вилояти Қува туманидаги 25-мактабнинг математика ўқитувчиси

Собиров Бахриддин Пўлотович — Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатининг математика ўқитувчиси

Ходжаева Аманбике — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 9-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари

Холматова Шарифа — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

Кононеров Валерий Сергеевич — Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 19-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Куваков Алим — Хоразм вилояти Боғот туманидаги 1-спорт мактабининг мураббийси

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этиш, ёш авлодни ватанпарварлик, дўстлик ва тотувлик руҳида, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун ҳамда ўзининг фидокорона меҳнати ва юксак фазилатлари билан эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътибор топган қуйидаги юртдошларимиз мукофотлансин:

"Эл-юрт ҳурмати" ордени билан

Абдувоҳидов Абдукадир Ишманович — Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 82-мактабнинг биология ўқитувчиси

Абдулхакова Мархаба — Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 284-мактабнинг тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси

Ахмадбеков Якубжан — Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги 46-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

Жумаев Қурбон Имомович — Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 15-мактабнинг физика ўқитувчиси

Маматов Асқар Акбарович — Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 17-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Назаров Суюн — Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги 18-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Оллаберганов Абдушарип — Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 39-лицей-интернатнинг биология ўқитувчиси

Тураев Абдусамат Маматкабулович — Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 10-мактабнинг физика ўқитувчиси

Тураева Шафоат Дониевна — Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 6-мактабнинг директори

Убайдуллаев Хамра — Тошкент вилоят педагогика институти "География ва экология асослари" кафедрасининг доценти

Утегенов Куатбай Каллибекович — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туман болалар санъат мактаби директори

Халиков Мамарузи — Андижон вилояти Андижон туманидаги 15-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Якубов Саиб — Бухоро вилояти Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими мутахассиси

Гуломов Худайберди — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 22-мактабнинг кимё ўқитувчиси

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Атабаева Рано — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармасининг бошлиғи

Акрабов Ботир Турабоевич — Фарғона вилояти Сўх туманидаги 7-мактабнинг директори

Бухин Владимир Анатольевич — Тошкент шаҳри А.Икромов туманидаги 44-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Змиевская Людмила Ефимовна — Тошкент давлат техника университети қошидаги лицей-интернатнинг математика ўқитувчиси

Икрамов Темурали — Наманган вилояти Чуст тиббиёт коллежи ижтимоий фанлар ўқитувчиси

Каримова Саодат Ашуровна — Навоий вилояти Кармана туманидаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

Лалаханов Байтура — Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 16-ихтисослашган мактаб-интернатнинг математика ўқитувчиси

Латыпова Гулноз Акрамовна — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 4-мактабнинг директори

Мамаджанов Мурат Саттиевич — Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги ўқувчиларни ҳуқуқий касбга йўналтирувчи республика лицейи директори

Мещерякова Светлана Михайловна — Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 32-мактаб-интернатнинг математика ўқитувчиси

Муродов Шайдулла Боймуродович — Сурхондарё вилояти Ангор педагогика касб-ҳунар коллежи она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Мусамухамедов Мухамматрахим Ризаматович — Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейининг математика фани ўқитувчиси

Нурметова Саляжан — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 10-лицей-интернатнинг немис тили ўқитувчиси

Сафиева Гульсум Жумакуловна — Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 20-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Торениязов Жуманияз — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги 13-мактаб директори

Турдалиев Абдусаттор Абдулпаттаевич — Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 24-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси

Турсунов Сафар Алладустович — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 24-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Турғунова Маҳаррамхон Муталлибжоновна — Андижон вилояти Избоскан туманидаги 10-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Ходжаев Хушнудбек Абидинович — Андижон вилояти Андижон педагогика коллежи хор дирижёри

Шакарбоев Эшанкул — Жиззах вилояти Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежи физика ўқитувчиси

Ғаффоров Хушмурот — Қашқадарё вилояти У.Юсупов туманидаги 3-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Адизов Гайбулло Раджабович — Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 25-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Алланазаров Қаландар — Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 29-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Джураева Мавжуда — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги 9-мактабнинг география ўқитувчиси

Исманова Саодат Джамалдиновна — Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси

Исматов Сайдулло Бозорович — Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 22-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Исмоилова Нусрат — Жиззах вилояти Арнасой туманидаги "Ғунча" номли мактабгача таълим муассасасининг мудираси

Каттакулова Урал Яркуловна — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Кузиева Шоира Ходиходжаевна — Республика Рассомлик коллежи ранг-тасвир ўқитувчиси

Курьязов Хушнуд Бабаевич — Хоразм вилояти Урганч тиббиёт коллежининг директори

Муминова Мавлудахон — Наманган вилояти Норин туманидаги 5-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Мўминов Олим Умарович — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

Окбутаева Робияхон — Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 5-мактабнинг чизмачилик ўқитувчиси

Сабуров Оразали — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот шаҳридаги 9-мактабгача таълим муассасасининг мусиқа раҳбари

Хайдарова Мухаббат — Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 43-ўрта мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси

Ҳамзаева Самара Мирзаевна — Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 12-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Абдуллаева Анаргуль Палуаниязовна — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 38-боғчамактаб мажмуасининг директори

Абдумаликов Шайзоқ — Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 14-мактабнинг психологи

Абдурашидова Мухаррамхон — Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 21-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Донаева Галия Гайсимовна — Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 22-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Дурманова Айгуль Акбаровна — Фарғона вилояти Қиргули тумани "Нефтчи" спорт клубининг болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Дусиёров Хуррам — Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 79-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ергашова Карима Амантурдиевна — Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 11-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Кличева Фрида Мубиновна — Бухоро вилояти Тўқимачилик туманидаги 69-мактабгача таълим муассасасининг мудираси

Кудратова Санобархон Рахматуллаевна — Наманган вилояти Поп туманидаги 35-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Курбанова Турсун Тагаймуратовна — Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ниязметова Гавхар Ибрагимовна — Хоразм вилояти Хива туманидаги Меҳрибонлик уйининг тарбиячиси

Саидазизова Сурая Саидовна — Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 37-ёрдамчи мактабнинг логопед ўқитувчиси

Тоганасова Алмагул Абдикаримовна — Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги 12-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Умирзаков Амир — Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 5-мактабнинг биология ўқитувчиси

"Дўстлик" ордени билан

Аитов Рафаиль Наильевич — Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги 1-мактабнинг физика ўқитувчиси

Гладышев Валерий Васильевич — Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 145-мактаб директори

Давлетбаева Нурия Мансуровна — Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 32-физика-математика лицейининг кимё-биология ўқитувчиси

Долгова Наиля Якубовна — Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежи директори

Дўстмуротов Пирмат — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернатнинг математика ўқитувчиси

Исмаилова Нурие Мустафаевна — Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 7-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Ким Искра Дмитриевна — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги ихтисослашган мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Ким Клавдия Константиновна — Андижон вилояти Асака туманидаги 34-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ким Роза — Самарқанд вилояти Боғишамол туманидаги 12-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

Назаров Тенгизбой Абдижанович — Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Неблиенко Наталья Михайловна — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 5-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Оспанов Рафаэль Мананович — Тошкент шаҳридаги 23-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси

Перетрухина Галина Павловна — Наманган вилояти Давлатобод туман халқ таълими бўлимининг мактабгача тарбия услубчиси

Рашидов Хикматулла Фатхуллаевич — Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази директори

Туймурадов Мухаммадкул Худойкулович — Қашқадарё вилояти Баҳористон туманидаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

Хожиев Курбон Ражабович — Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 5-мактабнинг директори

Чефранова Людмила Ивановна — Жиззах вилояти Дўстлик туман халқ таълими бўлимининг мактабгача таълим услубчиси

Ўринова Минавар — Хоразм вилояти Урганч туманидаги 1-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Қурбанбаев Мухам — Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманидаги 1-мактаб-лицейнинг директори

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги фаол иштироки, ёшларга замонавий талаблар асосида таълим-тарбия бериш, уларда эл-юртга садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик фазилатларини шакллантириш борасидаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Шуҳрат" медали билан

Абдуазизова Зулфия Хайруллаевна — Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги 7-мактабнинг информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчиси

Абдуллаева Тайифа Эргашевна — Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 7-мактабнинг физика ўқитувчиси

Абдуразакова Зумайра Шарабидиновна — Андижон вилояти Баликчи туманидаги 48-мактабнинг география ўқитувчиси

Абдурахмонова Мавлюда Маматовна — Фарғона вилояти Риштон туманидаги "Ёш техниклар ижодкорлик уйи" директори

Авезов Уринбай Хаитбаевич — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 29-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси

Азимова Муаззам Холовна — Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 16-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Аманова Рахима Абдурахмановна — Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги ихтисослашган мактаб-интернатнинг инглиз тили ўқитувчиси

Амонов Абил Туропович — Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 16-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Артиқбоева Барно Бердияровна — Сирдарё вилояти Ш.Рашидов туманидаги 6-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Артыкова Улбусын Жиемуратовна — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги 4-мактабгача таълим муассасасининг мудираси

Ахматкулов Саидахмат — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 33-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Ахмедова Раъно Мустафақуловна — Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 10-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Аширбекова Загипа Калиевна — Навоий вилояти Конимех туманидаги 2-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Бакирова Муножат Джахангировна — Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги 289-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик ўқитувчиси

Бегматова Манзура — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 19-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Бекчанов Кобулжон Салаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 3-мактабнинг география ўқитувчиси

Бердиқулова Зеби Бобоқуловна — Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги 4-мактабнинг математика ўқитувчиси

Бозарова Соҳиба — Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги 56-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Боймуродов Абдусодиқ Ўралович — Жиззах вилояти Зомин туманидаги 2-лицей-интернатнинг математика ўқитувчиси

Боймуродов Тошпўлат — Тошкент вилояти Пскент туманидаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

Бувабекова Ибадат Туртаевна — Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Гайипова Замирахон Ибрагимовна — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ганасюк Наталья Яковлевна — Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 14-мактабгача таълим муассасаси мудираси

Грибанова Татьяна Александровна — Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 158-мактаб директори

Гулямова Бибиражаб Хадиевна — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 119-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Деҳқонов Махамат Қурбоналиевич — Фарғона вилояти Бағдод туманидаги иқтидорли ўғил болалар лицей-интернатининг математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчиси

Джураев Мукарам Зунунович — Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 9-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Дурдиев Худайберган — Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 45-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ешчанова Кўширай Казаковна — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 40-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Жўраев Абдирахим Жабборович — Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 28-мактабнинг математика ўқитувчиси

Исақов Эркинбой — Наманган вилояти Уйчи туманидаги 5-мактабнинг тарих ва давлат ҳуқуқи асослари ўқитувчиси

Исомова Гулчехра — Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 14-мактабнинг география ва биология ўқитувчиси

Камалова Норжон Ҳамроевна — Бухоро вилояти Олот туманидаги 5-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Каршиева Мавжуда Эсановна — Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Ким Сергей Максимович — Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ким Лев — Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

Коразбеков Бабанияз Баймуратович — Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли туманидаги 3-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Курбаниязов Климент Тлеумуратович — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги ўқувчилар техник ижодиёт маркази директори

Мамадалиев Абдувохид Исоқович — Тошкент вилояти Бекобод туманидаги "Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби"нинг мураббийси

Мамажонов Абдумажид Сотволдиевич — Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 35-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Мамажонова Розахон Мамажоновна — Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 28-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Маматов Саъдулло — Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 23-мактабнинг физика ўқитувчиси

Мамталиева Феруза Абдулхамидовна — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 2-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Махсудова Нартажи Абдужалиловна — Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 4-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Миннибаева Факия — Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 4-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Муминова Шаҳриниса Маликовна — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 18-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Мустафакулов Абдунаби — Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 4-мактабнинг директори

Мухтарова Ханифа Каримжановна — Бухоро вилояти Ф.Хўжаев туманидаги 20-мактабнинг биология ўқитувчиси

Норкобилов Норбута Жуллиевич — Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги А.Ҳайдаров номидаги ихтисослашган мактабнинг кимё ўқитувчиси

Норқулов Бахрон Умарович — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 27-мактабнинг математика ўқитувчиси

Нуртаева Салима Каримовна — Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 7-мактабнинг биология ўқитувчиси

Равшанов Найим Рахмонович — Навоий педагогика институти қошидаги академик лицейнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Рахматова Зулхумор Нарзуллаевна — Бухоро вилояти Қоровулбозор туман халқ таълими бўлими қошидаги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази раҳбари

Раҳмонова Зулфия Махмудовна — Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 24-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Раҳмонова Муҳаббат Ғафуровна — Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 14-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Рустамова Рахима — Самарқанд вилояти Окдарё туманидаги 29-таянч мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Салиева Дильбархон Халматовна — Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 10-мактабнинг география ўқитувчиси

Салимова Мухаббат Усаркуловна — Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 16-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Саттаров Ибадулла — Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 10-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ташпўлатов Дўсназар Қурбонович — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 69-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Тилемисов Онгарбай — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 26-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Тиллаев Иброхим Мунимхонович — Наманган вилояти Косонсой туманидаги 8-мактабнинг директори

Тожиев Тўлқин Тожиевич — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 13-мактабнинг информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчиси

Тохтасимов Шухрат Махмутович — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг мумтоз рақс ўқитувчиси

Тухтаматова Рузибу Ибрагимовна — Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 22-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

Тўраева Сайёра Тошпулатовна — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 23-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Фозилов Турсунбой Хошимович — Фарғона вилояти Учқўприк туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси

Хайитматова Рамзия Расуловна — Тошкент вилояти Паркент туманидаги 22-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хакимова Анаргул — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 61-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хакимова Назира Мусаевна — Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 9-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хамидова Гулчехра Усановна — Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги 9-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Холбаев Жуманазар Бурханович — Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 13-мактабнинг биология ўқитувчиси

Холиёров Турғун — Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 121-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Холикова Халовот — Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 19-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Хужаяров Жуланбай — Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 19-мактабнинг биология ўқитувчиси

Шаймарданов Мумин — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 15-ихтисослашган мактаб-интернатининг кимё ўқитувчиси

Шамекеева Улбосын Ережеповна — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 16-мактабгача таълим муассасасининг мудираси

Ширинова Салима — Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Шымбергенов Еркебай Кабылович — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги Қутанқўл қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Эшимов Тургунбай — Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Эшматов Шермат — Андижон вилояти Бўз туманидаги 8-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Юсвалиева Муҳаббат Хикматовна — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 20-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Юсупова Мухаббат Ахмедовна — Фарғона вилояти Данғара туманидаги 25-мактабнинг физика ўқитувчиси

Якубова Хатича — Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 27-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Ҳасанов Усмон — Бухоро вилояти Ғиждувон туман халқ таълими бўлимининг услубчиси

Ҳикматова Раҳима — Бухоро вилояти Пешку туманидаги 5-мактабгача таълим муассасасининг услубчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 27 сентябр.

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ВАТАН ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ ИШОНИБ ТОПШИРГАН

АКСЕЛС ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

Дунёда касб-ҳунар кўп, илм-маърифатга элтувчи йўллар ҳам бисёр. Аммо уларнинг барини бирлаштириб турган улуғ ва мўътабар зотлар борки, биз уларни эъзозлаб устозлар деймиз. Яшашнинг моҳияти, тафаккур гулшанининг ободлиги, маънавий баркамоллик, буюк маърифат устоз-шогирдлик анъаналаридан бошланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай давлатнинг қудрати унинг бойлиги билан эмас, маънавияти, халқ маорифига эътибори билан ўлчанади. Адолатли, демократик давлат барпо этилаётган республикамизда эса таълим ва баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури фикримиз исботидир. Зеро, устозларга эҳтиром — миллатга, унинг маърифатига ҳурмат рамзи ҳисобланади.

1 октябрни Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида байрам қилиниши ана шу буюк эҳтиромнинг бир кўринишидир. Бу байрам барчага бирдек қадрли ва азиз. Негаки, ҳаммамиз ҳам маорифчилар зиёсидан баҳраманд инсонлармиз.

Республикамизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам ўқитувчиларни ҳар томонама қўллаб-қувватлаш, ташаббускор педагогларни рағбатлантириш, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, саломатлиги, оиласи, фарзандлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш фаолиятимиз мезонига айланган. Тизимда ишлайдиган муаллимларни қўллаб-қувватлаш учун «Мураббий» жамғармаси ташкил этилган.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бошқарма ва унинг қуйи тизимларида қатор хайрли тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Наманган шаҳри ва Давлатобод, Учқўрғон, Чортоқ, Поп туманларида узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия берган ўқитувчилардан 120 нафари бир пиёла чойга таклиф қилиниб, эҳтиром кўрсатилди. Собиржон Турғунов, Чангир Хегаев, Ёдгорхон Аҳмедов, Тўрахўжа Каттахўжаев, Ашурали Боймирзаев, Аҳмаджон Ботиров, Нозимжон Тожиаҳмедов, Эркинбой Аҳмедов каби ҳозирда қарилик гаштини сураётган, бир пайтлар вилоят халқ таълими бошқармасини бошқарган фахрий зиёлилар учрашуви ташкил этилди. Бундан ташқари туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ташаббуси билан республикамизнинг қадимий шаҳарларига турли саёҳатлар уюштирилди.

Вилоятда таълим тизимини ривожлантириш моддий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда 36 та мактаб мукаммал таъмирланди. 4 та илм даргоҳига табиий газ уланди. Наманган шаҳрида 50-мактаб учун 1200 ўқувчига мўлжалланган янги бино қурилиб фойдаланишга топширилди. Чортоқдаги 36, Уйчидаги 6, Тўрақўрғондаги 47-мактаблар учун қўшимча синф хоналари қуриб берилди. Умуман олганда мустақиллик йилларида 119 та замонавий мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

Тўрақўрғонлик хусусий тадбиркор Аҳмаджон Назаров ташаббуси билан «Найманча» қишлоғида 270 ўринли мактаб биноси қад ростлади. Шунингдек, туман ҳокимининг ташаббуси билан 320 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб барпо этилди. Айни кунда вилоятимиздаги 671 та умумтаълим мактабида 29 минг 915 нафар педагог-ходим фаолият кўрсатмоқда.

Замонавий мактаб ёхуд боғчани компьютер жиҳозлари, телекоммуникация тармоқларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу ниятда шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари модем ускуналари билан таъминланиб, Интернет халқаро алоқа тизимига уланди. «Вазирлик-Бошқарма-ХТБ» ахборот алмашиш йўлга қўйилди. Босқичма-босқич бу тармоққа мактаблар ҳам жалб этилмоқда. Ҳозирча бу янгилик 28 та мактабга етиб борди.

Таълим соҳасида ҳам чет эллар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти билан шерикчилик бунга мисолдир. Ушбу нуфузли ташкилотнинг водийдаги ваколатхонаси билан алоқа ўрнатилиб, 35 нафар ўқитувчи конференцияда қатнашди. Франция элчихонаси ташкиллаштирган семинарда 30 нафар француз тили ўқитувчиси муваффақиятли қатнашиб, сертификат олдилар. Улардан энг муносиблари танланиб Францияга малака оширишга юборилди. Айни кунда Германия, Буюк Британия, Япония, Исроил, Миср каби мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилмоқда.

АКСЕЛС танлови ғолиби сифатида 7 нафар мураббий Америкада бўлиб, у ердаги таълим тизими билан танишиб қайтишди. ЮНЕСКО дастурига аъзо мактабларнинг 8 нафар ўқитувчиси ҳам ана шундай имкониятларга эга бўлди. Ҳозирда 22 нафар наманганлик ўқитувчи ЮНЕСКО дастури бўйича Япония элчихонаси тақдим қилган лойиҳада қатнашиб, грант олиш учун ҳаракат қиляпти.

Ўқитувчининг моддий манфаатдорлиги даражаси унинг дарсга муносабатини белгилайди. Биз касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатликларини тиклашга алоҳида эътибор қиляпмиз. Шунга қарамай олдимизда турган вазифалар ҳам ҳали жуда кўп. Уларни бажариш учун махсус дастурлар асосида иш олиб боряпмиз.

Д.ДАДАЖОНОВА,
Наманган вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

ЭЪЗОЗ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан тадбир ўтказди. Унда халқ таълими тизимида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида меҳнат қилаётган фидойи ўқитувчилар ва шаҳар касаба уюшмаси стипендиятлари иштирок этдилар.

Кўп йиллик самарали меҳнатлари, ёш авлодни тарбиялашда кўрсатган хизмати, касаба уюшмалари ҳаракатидаги фаол иштироки учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг бир гуруҳ ўқитувчилари шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шундан сўнг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида малакали мутахассислар тайёрлаш ва касаба уюшмалари фаолиятига ёшларни жалб этиш мақсадида ташкил этилган шаҳар касаба уюшмалари стипендиялари соҳибларига дипломлар топширилди. Пойтахтимизнинг турли олий ва ўрта махсус билим юртларида ўқиётган, 2001-2002 ўқув йили иккинчи ярим йиллигида эришган ютуқлари учун 10 нафар талаба шундай шарафга лойиқ, деб топилди. Уларга ўзлари таҳсил олаётган ўқув муассасасида белгиланган ойлик стипендия миқдоридан 50 фоиз ортиқ даражада стипендия тайинланди.

— Ўқитувчилик шарафли, айни пайтда масъулиятли касбдир, - деди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раиси Мирзоҳид Содиқов. - Уларнинг меҳнатларини ҳар қанча эъзозласак оз. Ёшлар эса буюк келажак барпо этиш йўлидаги умид юлдузларимиз, уларни қўллаб-қувватлаш муҳим вазифаларимиздан биридир.

Ўзларига кўрсатилган эҳтиром учун ўқитувчи ва талабалар ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

А.НАБИЕВА.
И.ҲАСАНОВ
олган суратлар.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда

САОДАТ МАНЗИЛИ

Республика Президентининг 1992 йил 28 февралдаги Фармонига мувофиқ Қарши Давлат педагогика институтига университет мақоми берилди. Мамлакат жанубидаги энг йирик ва тўнғич илм масканининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, илмий, услубий имкониятлари янада кенгайди.

Бугунги кунда университетда 11 та факультет, 46 кафедра мавжуд бўлиб, уларда 22 нафар фан доктори ва профессор, 180 дан зиёд фан номзоди фаолият кўрсатаяпти. Мавжуд 27 ихтисослик бўйича кундузги ва сиртқи бўлимларда 6 мингга яқин талаба таҳсил олмоқда.

— Эндиликда ёшларимиз онгида замонавий тафаккур, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган билимларни шакллантирмасдан туриб кўзлаган мақсадга эришиш қийин, - дейди биз билан суҳбатда университет ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Гулмирза Худойберганов. — Талабаларга жаҳон андозаларига мос янги давлат стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган ўқув ва иш режалари асосида пухта билим берилаяпти.

Вилоят халқ хўжалигини ўқитувчилар, педагог-муҳандислар билан таъминлашда фидойи жамоанинг хизмати катта. Кейинги йилларда 15 дан ортиқ янги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Амалий математика, тупроқшунослик, астрономия, ишлаб чиқариш бошқарувчиси ва иқтисодиёти, молия-кредит, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодиёт, таълим бошқаруви, ҳуқуқ ва маънавият асослари, француз тили, миллий истиқлол ғояси, енгил саноат технологияси каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Дорилфунун олимлари томонидан кўплаб ўқув қўлланмалари ва дарсликлар нашр этилди. Олий ўқув юртлари талабалари учун математикадан 5 томлик дарсликлар ва «Ўзбекистон тарихи» китобларининг яратилишида қаршилик олимлар ҳам муаллиф сифатида иштирок этдилар. Кейинги беш йилда 49 та фан номзодлиги, 8 та фан докторлиги диссертациялари ҳимоя қилинди.

Профессор-ўқитувчилар вилоятнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида илмий тадқиқотлар олиб боришаяпти. Уларнинг самарали фаолияти бюджетдан ташқари маблағ топиш учун хўжалик шартномалари асосида 23 миллион сўмликдан ортиқ илмий-тадқиқот ишлари бажарилди. «Умид» клуби ҳузурида конструкторлик бюроси, ўнлаб ортиқ фан тўгараклари ишлаб турбди.

Чет мамлакатлардаги илм даргоҳлари билан алоқа мустаҳкамланаяпти. Халқаро инвестиция ҳисобидан 30 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар, 20 нафар талаба ва аспирантлар АҚШ, Германия, Буюк Британия, Исроил, Ҳиндистон мамлакатларининг ўқув марказларида малака оширдилар. Хорижий мамлакатларда 30 дан ортиқ илмий ишлар чоп эттирилди.

Бугунги кунда талабалар АҚШ Тинчлик корпусининг кўнгилли мутахассислари Жонатан Готт, Франк Лум, Эрвин Жоус, Марказий Осиёга бағаз ёрдам кўрсатиш халқаро ташкилоти вакиллари Ян Смит, Том Миллер, Блей Биеем каби хорижий муаллимларнинг инглиз тили ва иқтисод фанларидан сабоқларини тинглашмоқдалар.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишга бағишланган халқаро конференция ва семинарларда Нидерландия, Бельгия, Германия, Буюк Британия давлатларининг нуфузли олимлари маърузалар ўқидилар. Бельгия ва Буюк Британия олимлари билан ҳамкорликда «Олий таълимнинг ҳуқуқий масалалари», «Талаба ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатини холисона баҳолаш» мавзуларига бағишланган мақолалар тўплами чоп этилди.

«Маънавият ва маърифат маркази», «Ғоялар» жамғармаси, «Университет» газетаси миллий мафкура моҳияти ва мазмунини йигит-қизлар онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Талабаларнинг ёт, зарарли мафкура ва турли хилдаги ақидапарастлик оқимлари таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилган.

Олийгоҳнинг малакали профессор-ўқитувчилари - П.Равшанов, О.Жўрақулов, А.Чориев, Б.Хайриддинов, Д.Тўраев, М.Очилов, Б.Аминов, Н.Узоқов, И.Худойбердиев, Т.Ғаффоров, М.Орипов, Б.Йўлдошев, Ш.Каримов, Д.Ҳамроев, А.Ўроқов сингари фидойилар ўзларининг бутун билим ва тажрибаларини ёшлар тарбиясига сарфламоқдалар.

Хуллас, мамлакат жанубидаги илм ўчоғи ҳақиқий саодат маскани, маърифат қуёшининг зиёбахш нурлариши билан қалбларни чароғон этаётган илм-фан гўшасидир.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚАЛБ ЁЛҚИНИ

Болаликнинг орзулари беғубор ва самимий бўлади. Болалиги суронли уруш йилларига тўғри келган Саодат ая Ҳайдарова шу боисдан ҳам болалар дунёсига алоҳида меҳр билан қарайди.

— Болаларни бир кун кўрмасам зерикиб қоламан. Шу боис уйда ўтиришим қийин, — дейди 53 йил муаллимлик қилган Саодат ая майин жилмайиб. — Мактаб — муқаддас даргоҳ. Уни ўз оиламдек ардоқлаб келаман. Чунки шогирдларимнинг эъзози мен учун олий мукофот.

1949 йили Қўқон шаҳридаги муаллимлар тайёрловчи икки йиллик курсни тамомлаб, Фарғона шаҳридаги 33-мактабда иш бошлаган муаллима ишдан ажралмаган ҳолда 1961 йили Фарғона Педагогика институтининг (ҳозирги университет) тил-адабиёт факультетини сиртдан тамомлади. Мана ярим асрдан ортиқроқ вақт мобайнида қадрдон мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда.

- Мустақиллик даври болалари кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан аъло баҳоларга ўқишлари зарур, — дейди Саодат ая. - «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида тизим дунёвий андозалар бўйича ислоҳ қилинаётир. Ўз навбатида ўқитувчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрликлар ҳам таҳсинга лойиқ.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, муаллима ая бир оила бекалигини ҳам рисоладагидек юрита олади. Сабаби кўп йиллар давомида самарали меҳнат қилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган истеъфодаги милиция майори Ашурали ота Устаниятовнинг яхшиёмон кунларида елкадош бўлиш, уч ўғил, бир қизнинг таълим-тарбиясидаги заҳматлар муаллималик ташвишларидан кам эмас, албатта. Муаллима бугун ўн нафардан ортиқ невара-чевараларининг, фарзандлари ардоғида. Ота касбини давом эттираётган кенжатойи Нодирбекнинг ютуқларидан қувонади, муаллима келинни алқайди.

Ҳар йили устозлар байрами куни Саодат муаллиманинг кўнгли ва қучоғини фарзандлари, невара-чевералари, шогирдларининг анвойи гуллари, самимий тилаклари тўлдиради. Бу юксак эъзоз ва эҳтиромни кўриб, муаллиманинг барча заҳмат ва ташвишлари ўз-ўзидан унут бўлиб кетади. Ахир устоз, она учун фарзандлари, шогирдлари камолини кўришдан ортиқ бахт борми!

Мўйдинжон СОБИТОВ,
«Ишонч» мухбири.

БОЛАЛАР УЧУН ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Пойтахтимиздаги болажонларнинг энг севимли маскани -»Тошкентленд» истироҳат боғида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида катта болалар байрами бўлиб ўтди. Мазкур байрам тадбири «Ўзбекистон-Исроил» дўстлик жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Исроилнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистондаги «SOS Киндердорф» болалар маҳаллалари уюшмаси тарбияланувчилари, шунингдек, Тошкентдаги қатор мактаблар ўқувчилари - жами 450 нафардан зиёд бола байрам меҳмони бўлди. Шуни куни истироҳат боғидаги барча аттракционлар болаларга бепул хизмат кўрсатди. Бундан ташқари, болажонлар хайрия тадбири хомийлари - «ANAT» ва «TUFIN» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхоналари томонидан тайёрланган турли ширинлик ҳамда қандолат маҳсулотларидан баҳраманд бўлди. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси автобуслари эса болалар хизматида бўлди.

Бу каби хайрия тадбирларини ўтказиш «Ўзбекистон-Исроил» дўстлик жамияти мурувват дастурининг бир қисмидир. Дўстлик жамияти халқ дипломатияси тамойилларини амалга оширган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ва интеллектуал соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

(ЎзА).

Тажриба, ташаббус

ҚИШЛОҚ МАКТАБИ

Таълимни такомиллаштириш жамият келажагини мустаҳкамлаш демакдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва бир қатор қарорлар қабул қилинди. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури ишлаб чиқилди. Айни вақтда мазкур дастурнинг иккинчи босқичи изчил амалга оширилляпти. Ўтган давр мобайнида туманимиз таълим тизимида ҳам ислоҳотларни рўёбга чиқариш борасида эътиборга лойиқ натижаларга эришилди.

Тумандаги 56 та мактабда меҳнаткашларнинг 32 мингдан зиёд фарзандлари таълим олмоқда. Уларга 2427 нафар малакали ўқитувчилар таълим беришмоқда. Туманимиз таълим тизими республикада ўз мавқеига эга. Шунинг учун бу ерда рейтинг тизими биринчилардан бўлиб қўлланилди. Бу борада орттирилган тажрибаларни оммалаштириш мақсадида бир неча бор семинар-тренинглар ўтказилди. Ислоҳотлар ўқитувчилар малакасини муттасил ошириб боришни тақозо этмоқда. Бу соҳадаги натижалар ҳам ёмон эмас. Биргина мисол. 40-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Холида Ҳакимова Франция элчихонаси ўтказган семинарда муваффақиятли қатнашди. Франция ва Германиядан келган мутахассислар жомбойлик чет тили ўқитувчилари билан мулоқотда бўлишди.

Ислоҳотлар туфайли ўқитувчининг дарсга муносабати ўзгарди. Дарс сифати яхшиланди. Ўқитувчининг дарс жараёнидаги ҳукмдорлигига барҳам берилмоқда. Янги педагогик технологиянинг «Ўқитувчи — таълим — ўқувчи» тамойилига асосан ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллиги ошириляпти. Ўқитувчининг ижодкорлиги, ўқувчининг изланувчанлиги яққол намоён бўлаётир. Шунинг натижаси ўлароқ ўтган йилларда жомбойлик 5 нафар ўқувчи хорижда таълим олди. Айни кунда 8 нафар ёшларимиз чет элда таҳсил олмоқда. Бир ўқувчимиз кимё бўйича Туркияда ўтказилган халқаро фан олимпиадаси ғолиби бўлди. Кейинги йилларда мактабларни дарсликлар, кўргазмали воситалар билан таъминлаш анча яхшиланди. Бунинг учун давлат бюджетидан, Осиё тараққиёт банки сармояси ҳисобидан маблағ ажратилганлиги қувончлидир. Бундан ташқари ҳомийлар ҳам катта ёрдам беришди.

Ўқувчиларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш учун болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази, спорт мактаблари, турли клублар имкониятларидан самарали фойдаланилаётир. Республикамизда таълимга ҳукумат даражасида ғамхўрлик кўрсатилаётгани боис, туманимизда ҳам мустақиллик йилларида ўнлаб янги мактаблар қурилди. Хусусан, шу ўқув йили арафасида 6 та янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, кўпгина мактабларда қўшимча синф хоналари қурилди. Таълим муассасаларининг аксарияти янги жиҳозлар билан таъминланди.

Турли муаммоларни ҳал қилишда мактабларга молиявий-иқтисодий фаолиятда эркинлик берилгани муҳим омил бўляпти. Хусусан, ўтган йили туман мактаблари қарийб 30 миллион сўм даромад олишди. Бу режалаштирилганидан 2,5 баробар кўпдир. Ушбу маблағнинг бир қисми таъмирлашга, ўқув жиҳозлари сотиб олишга сарфланди. Қолганидан ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш, рағбатлантириш мақсадларида фойдаланилди. Шу туфайли ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Ўқитувчига кўрсатилаётган бундай меҳрибонлик унинг дарс сифатини яхшилашини таъминламоқда. Туманимиздаги таълим тарбия масаласида касаба уюшмаларининг фаоллиги яққол кўзга ташланмоқда. Бу эса ўз навбатида ёшларимиз камолотининг кафолатидир, десак янглишмаймиз.

Т.НУРМАТОВ,
Жомбой туман халқ таълими бўлими мудири.

ЖАЗ КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Американинг Таълим ва маданият масалалари бюроси томонидан ташкил этилган «Жаз элчиси» номли жаз концерти бўлиб ўтди.

Концерт буюк жаз мусиқачиси Луи Армстронг ижодига бағишланди. Концерт залининг фойесида эса «Луис Армстронг - жаз қироли» плакатлар кўргазмаси ҳам ўтказилди.

Концертда америкалик жазчилар - трубачи ва бастакор Эдди Аллен, контрабасчи Марк Петерсон ва ўзбекистонлик жаз ижрочилари - пианиначи Гочи Сирадзе ҳамда ака-ука Владимир ва Вячеслав Сафаровлар иштирок этди.

Аллен ва Петерсон ўзларининг бой мусиқа тажрибасидан фойдаланиб, XX аср афроамерика мусиқасининг турли услублар даврига хос мусиқий анъаналарини бирлаштирмоқда.

Концертда ҳар икки мамлакат мусиқачилари бой жаз анъаналарини янги асарлар билан боғлиқлигини намойиш этди. Бу мусиқанинг ҳаётийлиги ва софлиги гарови ҳисобланади.

Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад жаз орқали турли маданиятларни яқинлаштириш ва унинг хусусиятлари ҳамда ўзига хос жиҳатларини очиб беришдан иборат.

(ЎзА).

ҲАЙРАТ

ёхуд мусаввир қалбининг рангин олами

Биз яшаётган бу ёруғ олам шу қадар сир-синоатга, гўзалликка бойки, баъзан бу мўъжизани таърифлашга сўз тополмай қоласан киши. Шунда «рассом бўлганимда уни аслича тасвирлаб берардим», дея ўзимизни овутамиз.

Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг Тасвирий санъат факультети декани, истеъдодли рассом Фарҳод Манноповнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам мусаввирлик санъати, унинг ривожи, келгусидаги истиқболи билан чамбарчас боғлиқ.

Мусаввир ҳукуматимиз томонидан ёшларимизга кўрсатилаётган юксак эътибор, ғамхўрлик ҳақида фахрланиб сўзлайди. Ўзбекистон ёшлари ўз иқтидорлари билан дунёга юз тутаётганларини, шогирдлари эришаётган ютуқларни бирма-бир санашдан чарчамайди.

— Ёшлар умид юлдузларимиз. Уларнинг иқтидори, салоҳиятига қараб эртамизга баҳо берамиз. Албатта, иқтидор ўз-ўзидан шаклланмайди, бунинг учун зукко устоз ўгити, яхши шарт-шароит зарур. Институтимизда барча амалий ишлар ана шу эзгу ният рўёбига қаратилган. Ҳар йили Сўқоқ оромгоҳида профессор-ўқитувчиларнинг дам олишлари ташкил этилади. Бу ерда ҳордиқ чиқариш билан бирга улар малакаларини ошириб қайтадилар. Талабаларнинг пухта билим олишлари, ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида уларнинг ижодий кўргазмаларини ташкил этамиз. Ҳатто халқаро кўргазмалар, кўрик-танловларда ҳам талаба-ёшларнинг бевосита иштирок этишларига кўмаклашамиз. Бу уларни янада самарали ижод этишга ундайди.

Фарҳод Маннопов ижодкорлар оиласида камолга етган. Отаси, хизмат кўрсатган журналист Абдужаббор ака ажойиб сўз санъаткори эди. Ўғлидаги иқтидорни сезган ота унинг камолига йўл очди.

Фарҳод Республика ўқувчилар саройида илк санъат сирларини ўрганди. Қолаверса, устози Павел Шестаков унга нафақат рассомчилик илмини, балки оламни теран идрок этишни, унга мусаввир қалби билан боқишни ўргатди. Беньков номидаги бадиий билим юртида ўқиган йиллари эса истеъдоди чархланди. Олийгоҳда чизган суратларига маъно ва моҳият бахш этиш маҳоратини эгаллади.

Олдинлари у табиат манзаралари, гўзал қиёфаларни ўз ҳолича матога кўчирарди. Кейинчалик Фарҳод инсон бахра оладиган гўзалликдан ташқари рассом қалби билан ҳис қиладиган, унга илҳом берувчи ҳолатлар ҳам борлигини илғаб олди. Бу ҳолатни ички туғён, чизгилар орқали бир неча бор кучайтирган ҳолда қоғозга туширди.

Шу боис ҳам унинг биринчи йирик асари — «Худойберди Девонов хотираси» картинаси теран мазмуни, кенг мушоҳадаси билан санъатшуносларни эътиборига тушди. Унда кўҳна Шарқ маънавиятининг бой мероси, кенг тафаккур олами қадимий Хива ёдгорликлари, турли қиёфалар ва манзаралар орқали акс этади. Асарда халқимизнинг кенг дунёқараши, гўзал удумлари, қўйингки, миллатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос бетимсол тафаккур дунёси табиий ифодасини топган. Биринчи ўзбек кинооператорининг ҳаёт йўли халқимиз тарихи, маънавияти билан узвийликда тасвирланган. Ерга уруғ қадаётган ўзбек деҳқони гўё она заминга эзгулик улашаётган улуғ зот сифатида акс эттирилган. Эътибор берилса, ерга ўтириб уруғ қадаётган деҳқоннинг ярми Она замин рангида кўзга ташланади. Бу ҳолатда рассом ўзига хос фалсафий мушоҳадалар мужассам этган. Ҳаётнинг давомийлиги, заминнинг муқаддаслиги, инсон умрининг омонатлиги акс этади унда. Яна тупроқдан яралган инсоннинг тупроққа сингиб, гиёҳларга, майсаларга айланиб заминга қайтиши юксак маҳорат билан тасвирланган.

Композициянинг ўртасида Малик Қаюмов, Комил Ёрматов каби ўзбек киносининг фахрли сиймолари Худойберди Девоновнинг издошлари сифатида тасвирланади. Шунингдек, тасвирда рассомнинг автопортрети ҳам кўзга ташланади.

Фарҳод Маннопов — файласуф мусаввир. Унинг асарларида фалсафий мушоҳада қараганда оддийгина картинага ўхшайди. Аммо унга файласуф-мусаввир назари билан боқсангиз, халқимиз тарихининг фожиали варақлари бутун даҳшати билан гавдаланади. Бир-бирини опичлаб ётган, борган сари катталашиб кетган қонталаш қабрларда қатағон қурбонларининг фожиали қисмати акс этади. Осмоннинг тунд авзойи, қорамтир булутлар қуюни миллатимиз бошига ёғилган офатдан дарак беради. Қонталаш қабрлар, озодлик, маърифат йўлида тўкилган ота-боболаримизнинг муборак қонларига ишора этилади.

Рассомнинг «Бегойим» асари эса лирик кайфиятдаги картина. Унда мусаввир инсон қалбининг соҳир куйчиси, юрак тўлқинларининг ажиб тасвирчиси сифатида кўзга ташланади. «Бегойим»нинг кийинишидан тортиб, руҳий ҳолатигача юксак маданият ва маънавият белгилари акс этган. Бу ҳолни нозик бармоқлари тутиб турган чечакка қараб ҳам билиш мумкин. Нечундир чечак сулув келинчакнинг нозик бармоқлари орасида эзилиб, топталган. Бу эса унинг бой хонадонида хазон бўлган ёшлигига ишора. Аммо келинчакнинг ҳаракатларида сокинлик ва ҳаё бор. Унинг узун камзуллари, ҳарир кўйлаги, пешбанди, тақинчоқлари шу қадар хушбичим ва ранг-барангки, Шарқ аёлининг бой маънавиятидан далолат бериб турибди.

Фарҳод Маннопов етук рассом бўлиши билан бирга ёшларга ғамхўр, қаттиққўл, айни пайтда севимли устоз ҳамдир. Ҳамиша талабалар манфаати учун йўл ахтаради, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлайди. Ялт этган истеъдод борки асраб-авайлайди, унинг камолга етиши учун раҳнамолик қилади.

— Қаерда меҳр, қаноат, суянч бўлса, ўша ерда миллатнинг қон томирлари баҳра олади, ватанпарвар, соғлом фикрли ёшлар улғаяди, — дейди Ф.Маннопов. — Негаки ёшлар меҳрдан, яхшиликдан баҳра олиб улғаядилар. Факультетимизда ҳар бир талабага алоҳида эътибор берамиз. Уларнинг истеъдодларини рағбатлантириб борамиз. «Мустақиллик фахримиз, ғуруримиз», «Қариялар суянган тоғимиз, иймонимиз», «Гиёҳвандлик — аср вабоси» деб номланган кўргазмалар ташкил этиб, энг яхши асарларни хайрия сифатида Меҳрибонлик уйларига, болалар шифохоналари, қариялар уйларига тақдим этамиз. Ниятимиз қалби шикаста инсонлар ҳаётига бироз бўлса-да мазмун бағишлаш, қалбларни гўзалликка, нафосатга, санъатга ошно этишдир.

Истеъдод



Саховатни эзгу амаллардан деб билган бу олижаноб мусаввир келгусида институт жамоаси билан ҳамкорликда Меҳрибонлик уйларида, шифохоналар ҳузурида рассомлик тўгаракларини очиш ниятида.

— Бу тўгаракларда институтимиз магистрлари жалб этилади, — дейди у. — Улар бепул хизмат кўрсатиш билан бирга маҳоратларини ҳам оширадилар. Бундан ташқари, кўнгли ўксик, касалманд болалар ҳаётига мазмун олиб кирадилар. Ажабмаски, улар орасидан ҳам ажойиб рассомлар етишиб чиқса.

Ф.Маннопов касаба уюшмаларининг жонкуяр, фаол ташкилотчиси сифатида ҳам жамоатчилик эътиборини қозонган. У Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатларини саралашда нуфузли ҳайъат аъзоси сифатида вилоятларда бўлиб, ёш, истеъдодли мусаввирларни кашф этди.

Меҳр-офтобдир. Офтобдан баҳра олган дарахтнинг меваси серҳосил ва тотли бўлади.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ишонч» мухбири.

XIY ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

(Боши 1-бетда)

Осиё олимпия қўмитаси президенти Шайх Аҳмад Ас-сабоҳ қутловидан кейин машъала ёқилди. Мезбон мамлакатнинг тарихи, бугунги куни, маданияти, спортнинг жамият ҳаётида тутган муҳим ўрни ҳақида хикоя қилувчи театрлаштирилган томошалар тантанага ўзига хос гўзаллик бахш этди.

* * *

Осиё ўйинлари билан бир вақтнинг ўзида Жанубий Кореянинг яна бир шаҳри - Чунгжуда Жаҳон миллий ўйинлар фестивали ҳам давом этмоқда. Бу ерда 31 миллат вакиллари ўз миллий ўйинларини кўргазмали чиқишлар билан намойиш этмоқда. Ўзбекистонлик ёш полвонлар - Илҳом Шералиев ва Иброҳим Каримов иштирокидаги кураш усулларини минглаб томошабинлар олқишлар билан қарши олишаётир. Фестивал ўзбек миллий курашини кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Осиё ўйинларига фахрий меҳмон сифатида таклиф этилган Халқаро кураш уюшмаси президенти Комол Юсупов мутасаддилар билан ўзбек курашини 2006 йилги Осиё ўйинлари дастурига киритиш борасида музокаралар ўтказмоқда.

ПУСАН: ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бошланган XIV Осиё ўйинларида иштирок этаётган ўзбекистонликлар айрим спорт турлари бўйича юқори натижаларни қўлга киритаётир.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, 200 метр масофага комплекс сузиш бўйича Олег Пухнатий 4-ўринни эгаллаган. Яна бир спортчимиз Фатма Галиулина велоспорт беллашувларида 4-ўринга сазовор бўлган. Шунингдек, Руслан Кудаев қиличбозликда бешинчи ўрин билан чекланган.

(ЎзА).

ЮРТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ, ДЕҲҚОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик тижорат «Пахта банк» 2002 йил 20 сентябрдан эътиборан, 1 ноябригача бўлган давр мобайнида 7 ой муддатга очилиб, йиллик 45 фоиз даромад тўланадиган «Ҳосил» жамғарма омонатини таклиф этади.

Ушбу омонатга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.

Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!

Тўлиқ маълумот учун телефонлар: 173-25-56, 78-10-32.

«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!

Ўқинг, қизиқ!

СЕВГИ — БУ КИМЁ!

Тиниб-тинчимас олимлар севги аталмиш туйғунинг сир-синоатларини ҳам ўрганишмоқда. Аён бўлишича, бу соҳир туйғу асосида кимёвий, биологик ва жисмоний туйғулар ётаркан.

Энг биринчи севги туйғуси бундан 3 миллион йил олдин пайдо бўлган, дейишмоқда тадқиқотчилар. Ибтидоий одамларнинг бир-бирларига ташқи кўринишларига қараб баҳо бера бошлагани бу туйғунинг ибтидоси бўлган экан. Тадқиқотчилар тахминича, қадим замонларда «боқий муҳаббат» 4 йилдан ошмаган. Бунга сабаб шуки, турли хил ҳис-туйғулар пайдо бўлиш жараёнида киши миясидан ошиқу беқарорлик ҳолатини юзага келтирувчи амфетаминлар ажралиб чиқади. Организм доимий равишда амфетаминларга ўрганиб қолгач унга бўлган «талаб» тобора ортиб боради. Орадан 2-3 йил ўтгач эса киши организми уларни керакли миқдорда ишлаб чиқара олмайди. Аксар ҳолларда бу ҳолат ошиқларнинг ажралиб кетишига олиб келади.

Бироқ, севги туйғуси узоқ муддат ўз кучини сақлаб қолиши ҳам мумкин. Бу, олимлар фикрича, бошқа кимёвий компонентлар — тинчлантирувчи таъсирга эга эндофин деган кимёвий моддага боғлиқ. У кишига босиқлик ва хавфсизлик туйғусини бағишлайди. Шу сабабдан ҳам ҳаётда севикли кишисини йўқотиб қўйиш, айрилиқ ҳолларида оғир, мушкул ҳолатларни юзага келтиради.

Хуллас, севгишунос олимлар севгини бус-бутунича кимё дейишмоқда.

К.АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

«Ҳамшира-2002»

БАЛЛИ ДИЛФУЗА!

Ўрта тиббиёт ходимлари ўртасида ҳар йили кўрик-танловлар уюштириш анъанага айланиб қолди.

Яқинда Андижонда «Ҳамшира-2002» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Беш босқичдан иборат бўлган беллашувда вилоят меҳр-шафқат соҳибалари беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича касб маҳоратларини намойиш этдилар. Избосканлик ҳамшира Дилфуза Парпиева танлов ғолиблигини қўлга киритди.

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Пири бадавлатларимиз

ШАХСИЙ КУТУБХОНА

маҳалла «Маънавият ва маърифат» хонасига

«Фирдавсий» маҳалласининг меҳригиёси бор дейишади. Бунга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангиз, Юнусобод томонларга йўлингиз тушса, ушбу маҳаллага бир кириб ўтинг. Серфайз хонадонларда истиқомат қилаётган отахонлару онахонлар суҳбатидан баҳраманд бўласиз.

Таниқли ёзувчи Одил Ёқубов, ўз касбининг моҳир усталари Сиддиқ Содиқов, Мухтор Солиҳов, устоз-педагог Файзулла Нуриллаев, эл севган санъаткор Ғулом Тожи Аълоев, тажрибали тиш шифокори Ваҳоб Йўлдошев, қўли гул уста Қутбиддин Шокиров ва бошқаларнинг номлари кўпчилик томонидан ҳурмат билан тилга олинади. Пўлат ака Аҳмедов ҳам шу маҳалланинг табаррук отахони. Нафақат Юнусобод туманида, балки бутун шаҳарда уни танишади. Бутун умрини эзгуликка бахшида этиб келаётган бу киши то ҳануз ёшларнинг маслаҳатгўйи.

— Пўлат аканинг меҳр-оқибатини кўрмаган киши йўқ, десам лоф эмас, — дейди маҳалла оқсоқоли Хайрилла Зокиров. — Маҳалламизда уюштирилаётган хайрли тадбирларнинг биронтаси усиз ўтмайди. Етимларнинг бошини силайди, ногиронлар, ночорларга ёрдам қўлини чўзади.

Дарҳақиқат, отахон Наврўз шодиёнаси дейсизми, хотин-қизлар куни дейсизми, шу муносабат билан ёзиладиган байрам дастурхонининг тўкин-сочин бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бўш вақтини кўпинча маҳалла фаоллари даврасида ўтказмайдими, ҳар нарсадан бохабар. Бир пиёла чой баҳонасида маҳалла юмушлари билан боғлиқ масалалар ўртага қўйилади. Ободонлаштириш, қурилиш ишлари бўйича гап очилади. Уларни амалга оширишга келганда, Пўлат ака биринчилардан бўлиб ҳиммат камарини белга маҳкам боғлайди.

— Маҳалла идораси жойлашган сўлим гўша гавжум гузарга айланиб бормоқда, — дея суҳбатга қўшилади раис муовини Мухтор Солиҳов. — Бу ерда чойхона, сартарошхона, новвойхона, дўкон, пойабзал тузатиш устахонаси ишлаб турибди. Маҳалла идораси шу яқин орада янги кўркам бинога кўчиб ўтади.

Тарбиявий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилмоқда. «Маънавият ва маърифат» хонаси ташкил этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Бу хайрли ишга Пўлат аканинг ўзи бошчилик қилди.

Дарвоқе, отахон китоб ўқишни жуда яхши кўради. Жаҳон бадиий адабиёти намуналарини қўлдан қўймай мутолаа қилган. Шу боис унинг хонадонида кўплаб ноёб нашрлар тўпланган. Бу зиё хазинасидан бошқаларнинг ҳам баҳраманд бўлишини истаб, уларни маҳалла ихтиёрига топширишни лозим кўрди. Энди ана шу адабиётлар «Маънавият ва маърифат» хонасидан ўрин оладиган бўлди.

Акбар АЛИЕВ.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Андижон вилоят тармоқ қўмитаси раиси Равшанбек Юлдошевга бувиси **МАМАХОН АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 23.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9730 Буюртма Г— 919. 1 2 3 4 5 6